

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма асосида

УДК:616-07.718.3.001

Сувонов Бахром Умарович

**ТИЗЗА БЎҒИМИ БЎҒИМ ИЧИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР
ЖАРОХАТЛАРИНИ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ.**

5A720123 – травматология ва ортопедия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Магистр академик даражасини олиш учун



Илмий раҳбар:

Т.Ф.Д. проф. Тиляков Б.Т.

Самарканд-2015

Кириш.

Танланган теманинг долзарблиги охириги йилларда беморларда тизза бўғимининг турли хил жароҳатлари сонининг сезиларли даражада ошиши ва тарқалиши билан ифодаланади. 2007 йилда травма асорати 1000 та бемордан 4,9 та ҳолатида бирламчи ногиронликнинг сабаби бўлиб хизмат қилди. [Стужина В.Т. 2007 йил]. Белецкий А.В. (2008) охириги йилларда тизза бўғими жароҳатларининг 19,4% га ўсганлигини кўрсатди. [Белецкий А.В., Ломать Л.Н., Мухля А.М., Воробей Е.А. 2008йил].

Тизза бўғими жароҳатларининг ошишида қуйидаги кенг тарқалган спорт турлари сабачи бўлмоқда : тоғ чанғиси , серфинг, фигурали учиш, ҳар хил турдаги якка курашлар ва турли хил спорт турлари. Йўл - транспот ходисаларининг сони ошиши турли хил жароҳатлар билан асоратланыбди. [Белецкий А.В., Ломать Л.Н., Мухля А.М., Воробей Е.А.2007 й]. Юқорида кўрсатиб ўтилган ходисалар асорати баъзи бир авторларнинг маълумоти бўйича ҳамма травмаларнинг 20% ини ташкил этувчи тизза бўғими турли хил жароҳатлари билан жароҳатланган беморлар сони ошиши билан ифодаланади. [С Fernandez W.G., Yard E.E.2000 й]

Тизза бўғими анотомик тузилишининг ўзига хослиги ва ҳаёт фаолияти жараёнида бўғимга тушувчи юкнинг кўплиги тизза бўғими суяк системасига нисбатан юмшоқ тўқималар жароҳатининг куплаб учрашини таъминлайди. [Альхаиламун Джабрил Абдель Разак. 2006. .Степанченко А.П.. 2005].

Ҳозирги вақтда тиббиётда КТ, МРТ, УЗИ ва артроскопия ёрдамида тизза бўғими суяк ва юмшоқ тўқималари структурасини кўрсатувчи методлардан кенг фойдаланилмоқда. Шундай қилиб баъзи бир маълумотларга кўра фақат 75% ҳолатда беморларда мениск жароҳатининг ультразвук диагностикаси артроскопик маълумотга тўғри келган. [Зар В.В.-1995]. Баъзи бир бошқа муаллифларнинг маълумоти бўйича бўғим ичи юмшоқ тўқималар зарарланишининг тўғри ультразвук диагнозлар сони 20% дан ошмаган [Шишкова А.О., Холкин С.А., Петков Э.Ю. Москва.-

2007].МРТ имкониятларини баҳолачи мақолалар сони эса етарлича эмас.Тизза бўғимининг юмшоқ тўқималар жароҳатлари диагностикасида МРТ аниқлиги тўғрисида қарши фикрлар бор. Латеральный дискоид мениск диагностикасида МРТ сезгирлиги 38.9%ни умумий аниқлик 61.7%ни ташкил этади. [Kocher M.S., Di Canzio J., Zurakowski D., Micheli L.J. – 2001]. Хозирги вақтга қадар артроскопик диагностика ва даволашни куллашда техник имкониятлар йуқлиги ва инвазив усувлиги сабабли чекловларга эга эди.Шу сабабли тизза бўғими жароҳатлари диагностикаси ва давоси юқори ёмон натижалар кўрсатгичига эга.Бўғим ичи жароҳатлари артроскопик диагностика ва давосига бағишланган ишлар адабиётларда жуда кам.Шундай қилиб, юқорида айтилган фикрлар бу муаммони ўрганиш долзарблиги хақида ўйлашга имкон беради.

БИЗНИНГ ИЗЛАНИШИМИЗ МАҚСАДИ

Замонавий тиббий визуализация ва артроскопия методларини куллаш йули билан тизза бўғим ичи юмшоқ тўқималар жароҳатлари диагностик ва даво натижаларини яхшилаш .

Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

1. Тизза бўғими бўғим ичи сируктураси жароҳатларини верификация қилинган артроскопик маълумотлар асосида анализ ўтказиш.
2. Клиник диагностика этапида тизза бўғими потологияларини артроскопик верификация қилинган жароҳатлар билан солиштириб анализ ўтказиш.
- 3.тизза бўғими жароҳатларида МРТ ва УЗИ имкониятларини баҳолашдан ўтказиш ва диагностик имкониятларини баҳолаш.
- 4.Беморларда тизза бўғими бўғим ичи юмшоқ тўқималар жароҳатларини артроскопик даволаш натижаларини баҳолашдан утказиш.

ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ.

Тизза бўғимининг хар бир алохида анатомик структураси бўйича нур текшириш методлари информативлигини баҳолаш .

Ишнинг хажмий структураси

Диссертация матнда терилган матнли 67 та свахифада баён қилинган. Диссертация кириш , учта боб,хулоса,чиқиш, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. 5 та жадвал ва 17 та расм келтирилган.Диссертация мавзуси бўйича 3та илмий иш ва маърузалар нашр этилган.

1-Боб.

Адабиётлар шархи.

Оёқ- кўл травмалари структурасида тизза бўғими жароҳатлари муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Турли хил муаллифларнинг маълумотиغا кўра, таянч -харакат сиситемасининг хамма жароҳатларининг 5% дан 18% гача қисми тизза бўғими жароҳатларига тўғри келади. Тизза бўғими анатомик тузилишининг ўзига хослиги туфайли унинг юмшоқ тўқималар системаси суяк системасига нисбатан кўпроқ зарарланади.

Ma-jewski M тизза бўғими спорт травмаларини ўрганишда кўрсатадики: тизза бўғими жароҳатларининг частота ва характериға бағишланган ишлар жуда кам. (1999). Н. В. Tandetлар ва бошқа такидлаганидек ,фақат 6% холатда lig.cruciatumнинг травматик зарарланиши классик рентгенографияда ифодаланувчи суяк системасининг ўзгаришлари билан кўшилиб келади ва қолган холатларда бўғимнинг юмшоқ тўқималари зарарланиши кўп учрайди. [Tandeter Н.В., Shvartzman P. 1999]. Оёқ-кўлнинг спорт травмалари анализида W.G. Fernandez ва бошқалар аниқладики (2006), спорт травмаларининг 25% холатларида тизза бўғимининг юмшоқ тўқималари зарарланади.

В.Н. Меркулов ва бошқа муаллифлар шахсий казатишлари ва илмий изланишларига асосан тизза бўғими ичи юмшоқ тўқималар жароҳатлари учраш тезлиги даражасини тузишди (1996): менисклар зарарланиши - 26.5%. бўғим тоғайининг зарарланиши- 2 5,0%, патологик МПС-12,1%, lig.cruciatum anterior нинг қисман ёки тўлиқ узилиши -10,6%, бирламчи тизза қопқоғининг чиқиши -9,8%. сурункали синовит - 9,8%, [Меркулов В.Н., Ушакова О.А., Шапошников Ю.Г. и др.- 1996].

Малумки, тахминан 75% холатларда тизза бўғими деформацияланувчи артрози бўғим турли хил жароҳатлардан кейин ривожланувчи

функционал ва структур ўзгаришлар натижасида келиб чиқади. Таянч ҳаракат системаси ногиронлигининг асосий сабабларидан бири булган контрактура ва анкилозлар травмалар асоратининг 4,3%-20,8%ини ташкил этади. [Дорохин А.И. 2005, Меркулов В.Н., Карам Е.А., Соколов О.Г., Ельцин А.Г. 2003].

О.С. Тануйлова аниқладики (2001), бўғим тоғайининг травматик ўзгариши бўғим боғлам аппаратининг жароҳатининг комбинатсияси билан келиши тизза бўғимида остеоартрозлар ривожланишига олиб келувчи иккиламчи дегенератив - дистрофик ўзгаришлар ривожланишининг асосий этиопатогентик фактори ҳисобланади. [Тануйлова О. 1998.]. Бу фикрни Т. Voegand ва бошқалар ҳам маъқуллаб , ўз вақтида аниқланмаган ва даволанмаган тизза бўғим ичи юмшоқ тўқималар жароҳати бўғимда дегенератив ўзгаришлар ривожланишига асосий сабаб бўлишини таъкидлади.. Авторлар бир фикрга келишди ,ўз вақтида диагностика қилинмаган мениск зарарланиши эрта остеоартроз ривожланишига олиб келади. [Voegand T., Rudling O., Peterson I. 1998 Voegand T., Rudling O., Peterson I.F. 1998.]

Катта болдирнинг проксимал охири иккита дўмбоқ билан чегараланган ички ва ташқи уларнинг орасида думбоқлараро дўнглик бўғим ҳалтаси тизза қопқоғи бтлан шундай бтрикканки унинг орқа юзаси бўғим бўшлиғида жойлашган . Бўғимни олдиндан мустаҳкамлашда тизза бўғимининг ягона ёзувчиси сонннинг тўрт бошли мушаги иштирок этади..

Andersson С. и Gillquist J.(1999) 111 та беморда lig.cruciatum anteriorнинг узилиши ва улардан 44% ида ички мениск йиртилиши, в 36% — ташқи, ва в 16%— иккаласи қушилиб келганлигини аниқлаган.Йиртилган мениск қисми агар тикилиб бўлмаса у албатта резексия қилиниш керак деб ҳисобланади..Мениск зарарланишида энг оптимал усул-артроскопик диагностика, санация ва агар ўсиш потенциали 1 см дан ошмаса кон томир зонаси чегарасида тикиш ҳисобланади.[Andersson С, Gillquist J. 1992].

Markolf R.L. ва бошқ 99 та нормал тизза бўғимини ўрганишда 5% ҳолатда тиззанинг силжиши 7.5% ни , ўнгга ёки чапга силжиши 2 мм.ни ташкил этади. lig.cruciatum anterior зарарланиши билан касалланган беморларда олдинги ностабиллик 10мм ни ташкил этади. Бироқ 2 йил аллопластика операциясидан кейин у 2мм ни ташкил этганлигини 515 та беморда аниқлади. [Markolf K.L., Amstutz H.C. 1987].

Менискоэктомиядан кейин бўғим оралиғининг торайиши натижасида оёқ механик ўқи медиал тарафга силжийди ва тизза бўғимининг варусли деформацияси ривожланади ва тизза бўғими ёнбош бойламларининг ёлғон бўшашиши келиб чиқади, бўғим тоғайининг ўзгариши ,бўғим латерал қисмининг зўрайиши кузатилади.

Тизза бўғими тоғайининг жароҳати –кенг тарқалган,сурункали ногиронлик ҳолатига олиб келувчи патологик жараён [Меркулов В.Н.Ушакова О.А.Ильин А.С. 1996]

Тоғай структурасининг жароҳати ТБ ички структураси жароҳатларининг 10 дан 20 % гача ташкил этади . [Зар В.В. 1995]

Бироқ тизза бўғими гиалин тоғайи жароҳатининг диагностика ва давоси травматологлап учун мураккаб вазифа бўлиб келмоқда. [Close B.J., Strouse P.J. MR 2000.]. Рентгенологик текширув фақат суяк жароҳатларини аниқлашга имкон беради ва тоғай диагностикасида ноэффектив ҳисобланади. Тоғай структурасининг жароҳатига бағишланган ишлар адабиётларда жуда кам[Бадяшкина И.Р 1999] Ҳозирги вақтда бўғим юзаси тоғай дефекти чуқурлиги, хажми ва жойлашишини аниқроқ диагностика қилувчи ноинвазив(МРТ ва УЗИ) ва инвазив(артроскопия) методлар беморлар текширувида кенг қўлланилади.[Миронов И.Ф 2008].

Диагностик текширувнинг аниқлиги текширув методининг турига ва энг асосийси тоғай юзаси бузилишининг даражаси ва хажмига боғлиқ.. Клиник ва рентгенологик методлардан фарқли равишда артроскопик метод тоғай қаватнинг ўзгариши ва бу ўзгаришнинг даражасини аниқ факт билан кўришга ва даволовчи манипуляцияни утказишга имкон беради Тизза

бўғими барча касалликларини учраш тезлиги бўйича боғлам аппаратининг жарозатлари мениск жарохатидан кейин иккинчи уринда туради.. Боғлам аппаратининг жарохатлари орасида lig.cruciatum anteriorнинг жарохати биринчи ўринда туради- 92% [Корнилов Н.В 2006] lig.cruciatum anteriorнинг жарохати хозирги вақтга қадар мураккаб ва хозиргача хал қилинмаган муаммо булиб келмоқда. Lig.cruciatum anterior жарохатларида хирургик даво мухим ютуқларига қарамай хали бир қанча охиригача хал қилинмаган муаммолар бор.Хозирги кунда lig.cruciatum anteriorнинг функциясини тиклашда замонавий синтетик материаллар қўлланилади- протезлаш. Протезлаш операцияси протезлар юқори нархи ва операциядан кейинги синовит ривожланганлаиғи учун кенг йўлга қўйилмаган. ТБ жарохатланган боғламасини тикишнинг турли хил усуллари қўлланилади. Бу хирургик даволаш методи натижалари қониқарли эди,бирок кейинчалик узок текширувлардан кейин юқори қониқарсиз натижалар фоизи аниқланади. [Marshall J.L., Warren R.F., Wickiewicz T.L.1982]. Шу сабабли хозарги вақтда жарохатланган олдинги хочсимон боғламни тикиш қўлланилмайди. [Соломин В.Ю. 2003]. ТБ нинг олдинги ностабиллигида бўғимдан ташқари стабилизация қилувчи –статик стабилазация (Macintosh усули) ёки актив-динамик стабилизация (Ellison усули)хозирги вақтда юқори тарихий қизиқишга эга. [Ветрилэ В.С. 2002].

Тизза бўғимининг травматик жарохатларининг диагностикаси.

Тизза бўғими жарохатларини диагностикаси мухим тизза бўғиининг маълум турдаги жарохати учун характерли клиник симптомлар аниқланишдан, тизза бўғимининг рентгенографиясидан юқори технологик КТ, МРТ ,УЗИ ва артроскопик методларгача эволюция босқичларини босиб ўтди. [Taskiran E., Ergtin M 2004]

Техник прогреснинг ривожланиши ва биологик тўқималар визуал кўришининг янги методлари пайдо бўлиши одам ички органларини ўрганишда шифокорлар олдида диагностик имкониятлар танловига эга бўлди. [Griffith J.F., Roebuck D.J., Cheng J.C., 2001].

Адабиётда аниқландики, Fineberg H.V. ва бошқалар 1977 йилда ҳар қандай диагностик процедура эффе́ктивлиги 5та критерия бўйича квалификацияланган бўлиши кераклигини курсатди. [Fineberg H.V., Bauman R. Sosman M. 1977]

Бу усуллар қуйидагича номланади:

Методнинг техник имкониятлари,

Диагностик аниқлик ,

Диагностик таъсир

Терапевтик таъсир

Узоқ терапевтик натижа

«Диагностик аниқлик» термини остида фойдаланиладиган методлар имкониятлари, шу билан қаторда ТБ структурасида травматик ўзгаришларни катта аниқлик ва тўғри диагноз билан аниқлаш ётади.

Тизза бўғими бўғим ичи структураси жароҳатлари даражасини белгилашда «олтин стандарт» ҳисобланувчи МРТ ва артроскопик маълумотларни солиштириб кўришга дунё адабиётларида асосий эътибор қаратилган.

Хочсимон боғламнинг жароҳатларини аниқлашда МРТ сезгирлиги ва спецификлиги 80-96%га 82-93%га қарши, (клиник текширувга таалуқли), менисклар зарарланиши мос равишда 80-84% ва 48-65% ни ташкил этади [Resnik C.S. 1989.]. Бироқ спецификлик ва сезгирлик ахамияти МРТ маълумотларига хулоса беруачи мутахасис билим ва кўникмасига ҳам боғлиқ.

МРТ маълумотларини клиник текширувлар билан бирлаштириш 64% ҳолатда хирургик даволаш тактикасини ўзгартиришга имкон берди.

[Hollingworth W., Todd C.J., Bell M.I. et all. 2000.].

Клиник диагностика тизза бўғимини текшириш учун жуда самарали ва оддий усул ҳисобланади. Унинг асосида маълум турдаги жароҳатлар учун характерли клиник белгилардан фойдаланилади.. Клиник симптомлар специфик (Lig Cruciatum anterior жароҳатига характерли бўлган ва тизза бўғимининг ностабиллиги натижасида ривожланувчи симптомлар

«переднего выдвигного ящика», Лахман тести, «pivot shift», Мак-Муррея, Байко ва башқа симптомлар мениск зарарланишига таълуқли.), ва шунингдек носпецифик (тизза бўғимининг хамма функцияларининг бузилишида учрайдиган Чаклина симптоми ва бошқалар.) бўлиши мумкин. [Ветрилэ В.С. 2002].

Тизза бўғимининг ностабиллиги диагностикасида капсула-боғлам аппаратининг бўшлиги ёлғон-мусбат тест натижасини бериши мумкин. Баҳо бериш хар доим соғлом оёқга солиштириб утказилади.. Лахмана тестининг мусбат 1 ёки 2 «+» хар доим хам ностабиллик белгиси хисобланмайди .

Бироқ тизза бўғими травмаларида клиник текширувнинг диагностик аниқлиги диагноз қўйиш учун етарли эмас ва Ruwe P.A. ва McCarthy S.M,(2002) нинг таъкидлашича, унинг сезгирлиги86% ва спецификлиги 30% ни ташкил этади.. Guillodo Y, (2008),Тез ёрдам бўлимларида кўрсатма бўйича МРТ қилиш имконияти борлигига қарамай 27 та Lig Cruciatum anterior нинг жарохатидан 7 тасида Lig Cruciatum anterior жарохати у аниқланган. [Guillodo Y, Rannou N, Dubrana F, 2008.] Scholten R.J,рахбарлик қилган муаллифлар коллективи тизза бўғими клиник диагностикаси аниқлигини баҳолавчи 42 та текширув анализлари билан танишиб чиқишган ва клиник амалиёт учун клиник тестлар катта имкониятга эга эмаслигини аниқлади. [Scholten R.J., Deville W.L., 2001.].

Шундай қилиб,клиник симптомлар аниқлиги етарлича спецификлик ва аниқликга эга эмас ва хозирги вақтда клиник диагностика якка холда диагноз қўйиш учун қўлланилмайди.

ТБ жарохатлари диагностикаси алгоритми ишлаб чиқилган: ва улар ташқи текширув ва икки проекцияда бўғимни рентген текширувидан ўтказишдан иборат.

Рентгенологик текширув диагностиканинги биринчи этапида бўғимда суяк компонентининг потологияси бор ёки йўқлигини кўрсатиб беради.

Хозирги вақтда таянч -харакат системасининг жарохатлари рентген

диагностикасига асосланган жуда кўплаб адабиётларбосиб чиқарилган. Бошлаб контрастланган газлар(хаво, кислорд) организм бушлиғига юборилган. Кейинчалик асасида йод ва барий ётувчи фармакологик препаратлар ҳам қулланила бошлаган.

Артрологияда рентгенконтраст суюқлик (купинча йод сақловчи) ва хаво ёки кислороддан фойдаланиб икки қарра контрастлаш методидан фойдаланилган.

Бу тизза бўғимининг бўғим ичи юмшоқ тўқималар. диагностикасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Метод оддий рентгенорафияга нисбатан жуда қатта имкониятларга эга.

Шундай қилиб, ноинвазив ва тизза бўғимининг нафақат фақат суюқ системаси балки юмшоқ тўқималарни ҳам етарли даражада аниқлик билан кўришга имконият берувчи текшириш методлари пайдо бўлди. [Миронова З.С, Фалех Ф.Ю. 1982]. Werndorf ва Robinson контраст модда сифатида кислороддан фойдаланиб **артропневмография** методидан фойдаландилар. [Herschmann Н. // Zbl. F. Chir.-1965]. Бу диагностика тури мениск аномалиялари ва жароҳатлари диагностикасида Э.Ф.Самойлович ишларида ўз аксини топган ва тизза бўғимининг мениск зарарланишларида 90%ва ундан юқори аниқлик кўрсатгичига эга бўлганлигини кўрсатиб ўтган . Кўп йиллар давомида бу текшириш методи замонавий ва информатив метод сифатида тан олиниб келинган.

Тизза бўғимини контрастлаш барибир инвазив усул ҳисобланиб, кўпинча рентген контраст моддага аллергия реакция кузатилган ва рентген кабинетда асептик ва антисептик шароитларга эга бўлиши , хирург билими керак булган.

УЗИ – Юқори информатив мутлоқо зарасиз ва оғриқсиз йўл билан организм тўқималарини ҳолатини баҳолашга имкон берувчи метод.

Ультрасонография методининг артрологияга кенг кириб келиши нафақат бўғим ичи ҳолати балки бўғим атрофи юмшоқ тўқималар ҳолатини баҳолашга имкон беради.

Интервенционная ультрасонография – Ультразвук сканер манитори визуал назорати остида тери орқали пункцион амалиёт бажарилади.

Ультразвук текшируви физик асасида ультразвук тўлқин одам организми тўқималаридан ўтганда пайдо бўлувчи эхолокацияга қаратилган. ички органлар структураси аксидан расм ёки эхограмма пайдо бўлади. УЗИ тиббиётнинг ҳамма жабхаларида кенг қўлланила бошлади. [С. П. Миронов [и др 2005.]. Тиза бўғимининг турли жароҳатларида ҳам ультразвук диагностика кенг қўлланила бошлади. Ультрасонографик йўл билан тизза бўғим мениски зарарланишини визуализация қилиш тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 1980 йилларда пайдо бўлган эди. [Dragonat P., Claussen C. 1980].

. **КТ** – Хар хил тўқималарнинг рентген нурларини турли даражада ўтказувчанлигидан фойдаланиб уч йўналишда моделини олиш имконияти билан, тананинг турли қисmlарини кесиб визуализация қилиш методи. Бу метод муракаб анатомик тузилмаларнинг расмини олишга ёрдам беради. КТ МРТ ва УЗИ билан бир қаторда ноинвазив текшириш методи ҳисобланади ва тизза бўғимининг ички структурасининг жароҳатлари диагностикасида қўлланади. [Brown S.D., Kasser J.R., 2004.]. Бироқ КТ юмшоқ тўқимлар структураси жароҳатлари диагностикасида спецификлиги ва сезгирлиги МРТ текширувига қараганда анча паст, айниқса хочсимон боғлам, мениск, тизза қопқоғи тоғай жароҳатлари текширувида.

. Метод қиммат эҳтиёт қисmlар талаб этади ва ионли захарланиш хавфи борлиги билан характерланади. Тизза бўғими кампонентлари визуализациясини яхшилаш учун тизза бўғимини рентген контраст модда билан контрастлашдан фойдаланилади. Хозирги вақтда ТБ юмшоқ тўқималар жароҳати диагностикасида КТ жуда кам қўлланилаёбди.

Магнитли резонанс томография (МРТ).

Кўплаб изланувчилар тизза бўғимининг капсула- боғлам аппаратини ва мениск жароҳатлари диагностикасида МРТ жуда муҳим рол ўйнашини тан

оладилар [Bianchi S Martunoli 2007]Бошқа бирон бир визуализация методи хар хил текисликда юмшоқ тўқималар кўринишини бундай юкори контрастликда олиш имконини бермайди. МРТ тизза бўғимининг ностабиллигида, оғриқ синдромининг субстрати локализациясини аниқлашда , рентген негатив хондром танани визуал қилишда ,тоғай қаватни юпқалашган қавати ва дефектини аниқлашда имкон бергани учун тўлиқ операция олди диагностикаси учун мухим ахамиятга эга. Тўлиқ верификация қилинган(бир бирига таққосландиган) диагноз даволаш методини танлаш (консерватив ёки хираргик),операциянинг вақти ва хажмини аниқлашда ,операция натижасини ва артроскопия эффективлигини аниқлашда жуда мухим. МРТ ва артроскопия маълумотлари бир бирига туғри келмаслиги қуйидаги сабабли бўлиши мумкин : томограманинг паст сифатлилиги , ортопед томомнидан томограмманинг ва нур диагностик мутахасиснинг нотўғри ўқилиши. Томаграмманинг паст сифатлилигининг сабаби қуйидагича бўлиши мумкин –кам нур ва кам контрастлилик(кесманинг қалинлиги ва магнит майдоннинг кучи билан аниқлананди),текширишни хамма керакли текисликда ўтказилмаганлиги,томограф қадамининг жуда тезлиги(4 мм дан ошиқлиги) . Авторлар муълумотига кўра Москванинг кўплаб катта диагностик марказларида магнит майдони 0,2– 0,5 Тл га тенг МРТ дан фойдаланилади ,хозирги замон замонавий томографларида хам замонавий муаллифлар маълумоти бўйича (Sampson MJ, Jackson MP, Moran CJ, Moran R,Eustace SJ, Shine S. *Clin Radiol.* 2008)сезгирлик ва спецификлик иккала мениск зарарланиши мос равишда 83 ва 93% га латерал мениск учун 91 ва 93 га тенг . Кўпинча текшириш икки текисликда ўтказилади (фронтал ва сагитал).МРТ аппаратлари магнит индукциянинг кўлами (магнит майдан кучи)га боғлиқ холда бир –биридан фарқ қилади..МРТ текширувини ўтказишга қарши курсатма- металл имплантантлар, кардиостимуляторлар ва бошқа металл таналарининг борлиги. МРТ инртенсив равишда энг ёш визуал текширув методи сифатада ривожланиб бормоқда.МРТ диагностик

эффективлигидан ташқари зарарсизлиги ва ноинавзивлиги ва бошқа текширав маълумотлари кам информативлигида информация бериш хусусиятига эга.

Куплаб авторлар бази бир ҳолатларда тўлиқ клиник текширув Хочсимон боғлам зараланишларида ва мениск жарохатида МРТ берувчи спецификлик ва аниқликни беради шунинг учун МРТ қиммат ва кераксиз текшириш методи деб ҳисоблаганларБудай фикрни Miller G.K., ҳам қўллаб қувватлаган ва касаллик тарихларини текширувдан утказгандан кейин МРТ хулосаси ва артроскопик текширув 35.1 % ҳолатда мос тушмаслигини аниқлади. [Miller G.K 1996].

2008 йилга адабиётлар маълумотлари устида анализ ўтказиб ,тизза бўғимидаги ҳар қандай зарарланишларини кўришда МРТ юқари сезгирликга эга, лекин тизза бўғтмининг комбинациялашган жарохатларида юқори квалификацияли ортопед томонидан ўтказилган клиник текширувдагидек аниқ аниқликга эга эмас. МРТ ҳаққатдан ҳам унинг юқори прогностик баҳоси туфайли хирургик аралашувлар сонини камайтиради лекин МРТ олдинги хочсимон боғлам зарарланиши диагностикасида клиник текширувга нисбатан камроқ аниқликга эга. [Huysse W.C., Verstraete K.L2008.].

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ҳазирги вақтга қадар тизза бўғими жарохатларида бу текшириш услубининг информативлиги тўғриисда бир фикрга келинмаган. Охирги ҳисоб билан. бизнинг текширишларимиз натижасида ўрганилаётган муоммода нур диагностик текшириш методларидан фойдаланиш оптимал алгоритмини ишлаб чиқилади.

Артроскопик диагностика.

Эндоскопия тарихи бундан 200 йил олдин пайдо бўлган, . Дастлабки эндоскопик текширувлар 1918 йилда Токио университети профессари Takagi томонидан ўтказилган.Илк эндоскоп курув ўткирлиги текшируви остида биопсия олувчи 4 мм диаметрга эга «артроскоп N 12» ёрдамида

ўтказилган. г.].Артроскопия кам инвазивлиги ,тузалиш даврининг қисқаришига имкон беруачи юқори даражада диагностикага эга эканлиги билан устунликга эга. Охирги вақтларда бу текшириш усули кенг ва актив қўлланалмоқда.

Бу метод россияда 1962 йилда Н.А. Поляк томонидан киритилган. Автор цистостоскопдан фойдаланиб.60 та бамор тизза бўғими бушлигини кўриқдан ўтказган. [Синяченко О.В., Владимирский А.В1999.].

Тизза бўғими бўшлиғини тўғридан тўғри визуалазация қилиш режалаштирилаётган операция олдидан бўғим бушлғини куриб олишга имкон берган . [Johnson, L. L.: 1981]. Масалан, тизза бўғимининг жарохатларида мениск жарохатлари диагнози кўп холатларда тизза муҳим яримойсимон тоғайи ни олиб ташлаш талаб этилмайдиган бўғимининг бошқа потологиялар натижасида келиб чиқган .

Жарохат турлари детализатсияси нафақат илмий балки врачга зарарланиш ўчоғи хақида аниароқ малумот олиш ва бундай потологияларни ўтказиб юбормаслик имконини бериш билан амалий ахамиятга ҳам эга. Лекин энг асосийси, жарохат анатомиясини аниқ билиш зарарланган менискни фақатгина керакли чегарада резексия қилиш ,стабил қисмини қоғлдириш имконини беради.Бу устунлик артортомияга караганда жараённинг кам инвазивлиги ва аниқ диагностик методлигида намоён бўлиши билан бирга илм ва фанннинг замонавий шароитда ривожланиши методнинг адекватлиги хақида гапиришга имкон беради. Э.Р. Бадамшина фикрича (1999) ,жарохат туғрисида аниқ клиник симптоматика борлигига қарамай, барча тизза бўғим ичи жарохатлари борлиги диагностик ва оператив артроскопия ўтказишга кўрсатма бўлади. Муаллиф артроскопия қилишга **абсолют қарши кўрсатма булиб :**

қўшма травманинг борлиги ,

бемор хаётига хавф солвчи омиллар борлиги,

Соматик касалликлар борлиги

Тизза бўғими сохаси тери сохасида инфекцион –яллиғланиш

характеридаги жароҳатнинг борлиги

Беморнинг артроскопик оператсиядан воз кечиши хизмат қилади деб хисобаган

. Нисбий қарши кўрсатма бўлиб агар беморда:сурункали касаликнинг кўзиш даври ,сурункали инфекция ўчоғи борлиги,

Психик касалликларнинг декомпенсация формаси борлиги

тизза бўғимининг фиброзли анкилози борлиги

Тизза бўғимида пассив ҳаракат амплитудаси 15° камдиги бор бўлса.

Л.Б. Пужицкий (2000) беморларда артроскопия ўтказишга қуйидагиларни курсатма қилиб кўрсатган :тизза бўғимида

Кенг тарқалган гемартроз

Бўғим бўшлиғида рентген позитив суяк тоʻай фрагментининг борлиги

Бўғим блокланиб қолиши ёки бошқа мениск жароҳатининг борлиги

Тизза бўғимининг посттравматик синовити борлиги

Тизза бўғимида ёт жисмнинг борлиги ёки унга шубҳа қилинганда

Артроскопияга тўғридан тўғри кўрсатма бўлиб рентгенологик исботланадиган катта болдирнинг кондилуслараро дунглигининг синиб силжиши борлиги ва тизза қопқоғининг чиқиши хисобланади [Пужицкий Л.Б. 2000].

В.В. Зар (1995)[Зар В.В 1995.] В.В. Зар қуйидаги ҳолатларда беморларда артроскопик текширувга кўрсатма борлигини кўрсатиб ўтган:
тизза бўғимининг гемартрози

Ноаниқ диагноз борлиги

Тизза бўғимининг ўткир ва эскирган касалликларида аниқ диагнозни қўйиш учун

пателло-феморал оғриқ синдроми

тизза бўғимининг яллиғланиш касаллиги

консерватив даволашга резистентлик бўлганда

Тизза бўғимининг жарохатлари артроскопик диагностикаси ва давоси артроскоп назорати остида бўғим ичи юмшоқ тўқималар структураси биопсияси ва операцияга қарратилган бўғим бўшлиғи инструментал ревизия ва визуализация каби процедураларни ўз ичига олади. Артроскопия пигмент виллезно-нодуляр си-новит, гемангиомалар, синовиомалар, хондроматоз каби турли хил рак табиатли жараёнлар диагностикасида асосий хал қилувчи рол ўйнаши мумкин. В.М. Крестьяшин (1987) тизза бўғимининг гемартрозида артроскопиядан фойдаланиш хақида информация бериб ўтган. Муаллиф тизза бўғимининг гемартрози артроскопияга тўғридан тўғри кўрсатма бўла олиши, шу билан бир қаторда 78,2% ҳолатда тизза бўғимининг гемартрози артроскопиясидан кейин қайта қўшимча даволашга эҳтиёж бўлмаганлигини кўрсатиб ўтган. Л.Б. Пужицкий (2000) бу маълумотларни қабул қилиб, гемартроз аниқланган ҳамма беморларда артроскопик текширув ўтказиш керак деб ҳисоблайди..

Bonamo J.J. и Saperstein A.L. (1994). Фикрича, артроскопия дагностикада энг охирги метод ҳисобланади, қачонки бошқа текшириш усуллари кониқарли жавоб бермас. Лекин ҳозирги вақтда унинг инвазив усул эканлигига қарамасдан турли ноинвазив методлар диагностик имкониятларин баҳолашда «олтин стандарт» ҳисобланади. [Bonamo J.J., Saperstein A.L. 1994.].

Шундай қилиб, барча адабиётлар малумотларига асосланиб қуйидаги фикрга келиш мумкин-бу метод беморлар амалиётида кенг қўлланилишига қарамасдан тизза бўғимининг жарохатлари диагностикасида ягона принципга эга эмас ва бу методнинг диагностика, беморлар давосида ва травматик жарохатларда қўллашга аниқ формулага келтирилган кўрсатма ҳозиргача йўқ.

Узи ва МРТ текширувларини эффеактивлигини баҳолаш ва шунингдек турли жарохатларда бу методларнинг артроскопик метод билан таққослаш

баҳоси ҳақида материаллар етарли эмас. Артроскопик хирургия травматологиянинг мураккаб қисми ҳисобланади ва шифокордан юқори малакани талаб қилади.

2-БОБ

КЛИНИК МАТЕРИАЛЛАР ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.

Бизнинг ишимиз асосида клиник,нур,артроскопик диагностиканинг натижалари ётади ва 45 та бемор вилоят ортопедия ва шикастланишлар оқибати касалхонасида бизнинг кузатувимиз остида эди. Бу пациентларнинг ёши ва жинси 1 – жадвалда кўрсатилган.

Операциягача бўлган структуралар ва тизза бўғиминингбўғим патологияларини ўрганиш учун ва артроскопик диагностиканинг натижалари билан солиштириш учун амбулатор карта ва касаллик тарихлари бўйича анализ ўтказилди. . 2013- 2015 йиллар орасида шахсий клиник кузатишлар анализ қилинди.Бўлимларда тизза бўғими жароҳатлари билан жароҳатланган беморларда қуйидагача текшириш методлари қўлланилган. . Олинган маълумотлар анализи асосида биз тизза бўғими жароҳатлари бор беморларда қуйидагича текшириш алгоритмини таклиф қилишимиз мумкин:

Беморлар анамнез ва шикоятларини йиғиш.

Керакли тестларни ўтказиш билан **клиник текширувдан** ўтказиш.

Икки стандарт проекцияда тизза бўғимини рентгенография қилиш.Агар талаб этилса **аксиал холатда қўшимча рентгенограмма қилиш..**

Тизза бўғимини **УЗИ** қилиш.

Тизза бўғимининг ностабиллиги белгилари бўлганда **МРТ** текшируви ўтказилди.

Тизза бўғимининг рентгенограммасида суяк сиатемаси ўзгаришлари бўлганда диагнозни аниқлаш учун **КТ** текшируви ўтказилди.

Кейинги даволаш тактикаларини ҳақидага саволни ечиш учун текшириш натижаларини текшириб чиқиб қайта клиник текширув ўтказилди.

Мураккаб ва номалум вазитларда артроскопик текширув ўтказилди.

Беморни шифохонага ётқизиш вақтида анамнез ва шикоятлар йиғилгач

клиник текширув ўтказилди.Бизнинг беморларда тизза бўғими функциясини бахлоаш учун биз қуйидаги методлардан фойдаландик: ташқи текширув, пальпация, бўғим ва сон,болдир айлана ўлчамини ўлчаш , пассив ва актив харакатлар амплитудасини ўлчаш;тизза бўғимини функционал етишмовчилиги ва ностабиллиги сабабларини ,мениск,боғламлар жарохатларини аниқлашда махсус клиник мететодлар ўтказилди.

Кейинги этапда хамма беморларда Duo Diagnost (Philips)аппаратида стандарт икки проекцияда рентгенографик текширилди .Агар тизза қопқоғи чиқишини клиник,рентгенологик ёки анамнестик белгилари бўлса қўшимча аксиал рентгенография қилиш керак.

Тизза бўғимини УЗИ қилиш стандарт бўйича "HDI-5000" ультразвук аппапратидан фойдаланилди.

Сон тўрт бошли мушак пайини,тизза қопқоғи усти синовиал сумкасини(Bursa suprapatellaris) ,тизза қопқоғи гиалин тоғай,сон суяги бўғим юзаси субхондрал пластинка,тизза қопқоғининг хусусий боғлами, ёнбош боғлам,ва менисклар холати бахоланди.

Олинган маълумотлар йиғилиб бўлингандан кейин МРТ текшируви ўтказиш хақидаги совол ечилди.Бизнинг текширишларимизда МРТ ўтказишга кўрсатма бўлиб тизза бўғимининг ностабиллиги ва аниқ бўлмаган тортишувли холатлар бўлиб хисобланди.

Қолган холатларда асосий диагностик этап юқорида келтирилган текширишлар билан тугайди.

Кейинги этапда рентгенография,УЗИ,МРТ(КТ)текширувларидан олинган информацияларни ўрганиб,қайта клиник текширув ўтказилди ва беморларда кейинги олиб борилиши керак бўлган тактикалар хал этилди.

Тизза бўғимининг артроскопияси 30° ва 70° оптика билан Карл Шторц (Германия) фирма томонидан ишлаб чиқилган аппапрт ёрдамида ўтказилди. Камера билан олинган видеомалумотлар керак бўлганда персонал компьютер каттиқ дискига ёзиб олинди.Артроскопия методикаси стандарт икки хил антеро-медиал ва антеро-латерал доступ билан ўтказилди.

Бемор орқаси билан ётқизилади, тизза бўғими 90° бурчак остида букилади. Натрий хлориднинг иссиқ, изотоник эритмасининг доимий мусбат босими остида бўғим бўшлиғи санацияси ва лаважи қўлланилди.

Биз тизза бўғимининг бўғим тоғайи ва бўғим ичи юмшоқ тўқималар жарохатларини визуализациясида МРТнинг диагностик имкониятларини баҳолаш учун бажарилган артроскопик текширувлар маълумотлари билан солиштирилган МРТ протоколлари анализини ўтказдик.

Биринчи этап билан тестнинг ҳақиқий мусбат (истинно положительные) натижаси ХМ-(Текширувда аниқланган патология артроскопияда ҳам тасдиқланди.), Ҳақиқий манфий-Х-М (патология текширувда ҳам артроскопик текширувда ҳам аниқланмади), ёлғон мусбат-ЁМ (патология текширувда аниқланган лекин артроскопик текширувда тасдиқланмаган), ва Ё-М (патология диагностикада аниқланмаган лекин артроскопияда борлиг тасдиқланган) натижалари ҳисоблаб топилган эди.

Иккинчи этап билан, юқоридаги олинган маълумотларга асосланиб, диагностик текширувлар эффективлигини баҳолашда қўлланиладиган қуйидаги курсатгачлар ҳисоблаб топилган. [Гланц С. 1998..]:

Сезгирлик – беморларда бирон бир касаллик бўлган ҳолатда, беморларда шу касаллик ҳақиқий мусбат тести натижалари ҳақиқий мусбат ва ёлғон манфий натижаларга нисбатан нисбати фоизларда ифодаланиши. Ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича олиб борилади: $ИП/(ИП+ЛО) \times 100\%$.

Спецификлик – бу соғлам кишиларда ҳақиқий манфий тест натижаларини ҳақиқий манфий тест натижалари ва ёлғон мусбат тест натижалари жамланмасига нисбатан фоизларда ифодаланган нисбати. манфий тестнинг аниқлиги саоллом кишиларда ҳисоблаб топилган. $ИО/(ИО+ЛП) \times 100\%$.

Аниқлик-хамма хақиқий натижаларни хамма натижаларга фоизларда ифодаланган нисбати.(хамма текширишлар орасида хақиқий тестнинг хиссаси)
$$\text{ИО} + \text{ИП} / \text{ЛП} + \text{РШ} + \text{ИО} + \text{ЛО} \times 100\%.$$

Манфий тестнинг прогностик баҳоси-тестнинг бирор потологияга нисбатан манфий натижасида, текширувда шу потология хақиқатан йўқлигига нисбатан аниқлиги .

$$\text{ИО} / (\text{ИО} + \text{ЛО}) \times 100\%.$$

Мусбат тестнинг прогностик баҳоси-тестнинг бирор потологияга нисбатан мусбат натижасида, текширувда шу потология хақиқатан борлигига нисбатан аниқлигини ифодалайди. .

$$\text{ИП} / (\text{ИП} + \text{ЛП}) \times 100\%.$$

Ёлғон –мусбат натижа - $\text{ЛП} / (\text{ЛП} + \text{ИО}) \times 100\%$. Ёлғон –мусбат натижаларни ёлғон мусбат натижа ва хақиқий манфий натижалар бирлашмасига нисбатан фоизларда ифодаланиши.

Артроскопик давонинг яқин ва узоқ натижаларини баҳолаш профессор М.Б. Цыкунова назорати остида М.Б. Цыкунова томонидан тавклиф этилган ва қайта ишланган методика бўйича ўтказилади. [Меркулова Л.А.-2000.], Бу система тизза бўғими функционал ҳолатини баҳолашни объективлаштириш ва уни компютер анализдан ўтказишга имконият беради.

У 5 қисмдан иборат. 2-4 қисмлар ҳар бир белгиси балларда баҳоланади: 5 -бу компенсацияли функция яъни патологик ўзгаришлар йўқ, 3-4 бал —бу субкомпенсацияли функция яъни ўртача ифодаланган ўзгаришлар, 3 балдан кам - бу декомпенсация , яққол ифодаланган ўзгаришлар .

Тизза бўғими ҳолатининг охири баҳоси интеграл кўрсаткич ёки ўртача балл билан баҳоланади.

Қандайдир белгини аниқлаш имкони бўлмагандаа ўртача бал фойдаланилган ёки топилган белгилардан ҳисоблаб топилади.

Биринчи қисм демографик маълумотлар, травма анамнези , олдинги ўтказилган операцияларни ўз ичига олади. Бу маълумотлар ёзиб

кўйилади лекин градуится қилинмайди.

Иккинчи қисм тизза бўғимининг субъектив баҳосини ўз ичига олади. Маълумотлар бемор сўзидан ёзиб олинади. Кейин 0 балдан 5 балгача баҳоланади. Учинчи қисм беморларни 0 балдан 5 балгача баҳолай олиш имкониятига эга бўлган функционал тестларни ўз ичига олади .

Тўртинчи қисм тизза бўғими функциясини баҳоловчи физикал ва инструментал текшириш методлари маълумотларини ўз ичига олади.

Бешинчи қисм қўшимча текшириш методлари (биомеханик текширишлар , электродиагностика, рентгенография, КТ, МРТ, психологик тестлар ва бошқалар). маълумотларини ўз ичига олади.

Олинган маълумотлар натижаларига кўра умумий хулоса қилинади. Тизза бўғимининг ҳолати текшириш вақтида аниқланади.

Биз қуйидаги уч даража функциянинг компенсациясига мос келувчи 3 та гуруҳ ажратдик:

1-гуруҳ компенсациялашган - 4 балдан кўп,

2-гуруҳ субкомпенсация - 3-4 балл,

3-гуруҳ декомпенсация - 3 балдан кам


. Биз юқоридаги маълумотлар системаси ёрдамида оператив даволашдан кейин тизза бўғими функционал ҳолатини баҳоладик. **(Баҳолаш натижалари 3- бобда ; Артроскопик даволаш натижаларини баҳолаш; сарлавҳаси остида келтирилган).**

Беморлар ёши ва жинси бўйича тақсимланиши 1- жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.

Ёши (йил)	22-30		20-39		40-49		50-59		60-69		Жами	
	Э	А	Э	А	Э	А	Э	А	Э	А	Э	А
Бемор сони	8	3	4	3	12	3	6	5	2	1	32	15

Жами	1 (2%)	7 (16%)	21 (47%)	13 (29%)	3 (7%)	47 (100%)
------	-----------	------------	-------------	-------------	-----------	--------------



№3-боб

Текшириш натижалари ва уларни муҳокамаси.


3.1. Артроскопик диагностика ва даволашнинг натижалари.

Шахсий кузатишлар ва архив материаллари асосида 2012 ва 2015 йиллар давомида самарқанд вилоят травматология ва ортопедия шифохонасида тизза бўғими артроскопияси ёрдамида бўғим ичи структураси патологиялари аниқланиб даволанган беморлар устида анализ ўтказилган. Ўртача ёш 21,5 ёшни ташкил этади, 30 эркак ва 15 аёл.

№2- Жадвал

Тизза бўғими артроскопиясида аниқланган бўғим ичи юмшоқ тўқималар жароҳат турлари


Диагноз	Беморлар сони	
	Абс.	%
Гиалин тоғайнинг жароҳати	7	19,27
Менисклар жароҳати	14	45,6
Тизза бўғимининг бурмалари патологияси	3	5,26
Lig cruciatum anterior жароҳати	7	12,2
Гофф `ёғ таначасининг жароҳати	1	1,75
Бўғим ичи эркин танаси	6	10,52
Lig cruciatum posterior жароҳати	6	1,8
Жароҳатларнинг умумий сони	45	



Тизза бўғимининг гиалин тоғайининг жароҳати

Гиалин тоғайининг хар хил жароҳатлари тизза бўғими артроскопиясида энг кўп учрайдиган патологиялардан бири ҳисобланади. Бундай патологиялар 11 (19,27%) та беморда аниқланган . (2- жадвал). Ҳозирги вақтда бўғим тоғайи жароҳатларининг бир нечта классификацияси мавжуд . [Outerbridge R.E. 1961.-]. Бизнинг текширишларимизда тизза бўғим тоғайи жароҳатлари З.С. Миронов классификацияси бўйича ўтказилди : 1- даража - юмшаши, шишиши, ёки тоғайининг кўчиши ; бизнинг 2та беморимизда учради. 2 даража – субхондрал суякгача етувчи чуқур ёриқлар ; 3 та беморда кузатилди. 3 даража - эрозия, бўғим тоғай юзасининг дефектла яраси 1та беморда аниқланди.

Гиалин тоғай жароҳатларининг оғирлик даражаларининг З.С.Миронов бўйича классификация



3-Диаграмма

Тизза бўғими менисклари жароҳати

Тизза бўғими мениски патологиялари даволашда ортопедлар олдида жуда катта муаммолар пайдо бўлади. Зарарланган ёки аномалияга учраган менискнинг узоқ вақт давомида бўлиши бир томондан бўғим функциясининг патологик шароитга мослашишиги иккинчи томондан тизза бўғимида иккиламчи патологик ўзгаришларни чақиради. Шу муносабат билан кеч ўтказилган операция бўғимда дегенератив-дистрофик жараёнлар кечишини чуқурлаштиради.

Биз 25 та беморда мениск жароҳатини кузатдик. Улар умумий тизза бўғимида операция қилинган беморларнинг 45.6%ини ташкил этади. Баъзи бир адабиётларда медиал менискнинг жароҳатининг куп учраши тўғрисида гап кетади. Бизнинг текширишларимизда 16 та латерал ва 7 та медиал 2 та бирлашиб келган травма учради.

4-Диаграмма




Бизнинг беморларда мениск жароҳати жойлашган жойига қараб қуйидагича қисмларга бўлинди: 56%дан зиёд йиртилиш менискнинг орқа шоҳида , 33% - мениск танасида 11% - олдинги шоҳида.Биз бу бўлинишни зарарланишнинг кўпроқ учраш жойига қараб белгиладик. Бир неча мениск йиртилишлари фақат танасида ёки шоҳида бўлмайди

Биз турли 7 хил вариантда менискнинг бўйлама йиртилишини аниқлади. В.М Крестьяшин мениск жароҳатланган беморларнинг 96% ида ручка лейка типида йиртилишини аниқлаган. [Крестьяшин В. М... 1999..].

Хозирги вақтда мениск резексияси натижасида тизза бўғимида биомеханик ўзгаришлар келиб чиқишига қарамасдан биз мениск зарарланишларида парциал менискоэктомия методидан фойдаланимиз. Бироқ биз Accadbled F омонидан ўтказилган изланишлар натижаларига таянамиз. Улар малумотлари натижаларига кўра мениск йиртилишларини тиклаш қониқарсиз кечади ва 60% ҳолатда қайта операция қалишга тўғри келади.. шунинг учун зарарланган менискни тиклаш критериялари ва кўрсатмалари охиригача ўрганилмаган ва қайта ишланмаган. [Accadbled F., Cassard X., Sales de Gauzy J., Cahuzac J.P.- 2007].

Клиник мисол 1

Бемор : Shonazarova Mavluda 1964 йил тўғилган. 27.01.2014 г. Шикоятлари Чап тизза бўғимида даврий блокада ва оғриқ бўлишига. Анамнез : бемор сўзидан 0.2.10.2013 йил кўчада чап оёғига йиқилган. ўткир оғриқ сезган. Яшаша жойида тизза бўғими пунксия қилиниб геморрагик суюқлик эвакуация қилинган. Кейинчалик юқоридаги шикоятлар безовта қила бошлаган. Текшириш вақтида: қадам ташлаши эркин , чап оёғига оқсоқланади, тизза бўғимида шиш, ёзиш 160 гача чекланган. Бўзим медиал юзаси палпацмиаида оғриқ сезади. Мак-Муррея симптоми мусбат. Рентген патологичсиз. МРТ медиал менискнинг олдинги шохиги йиртилганлиги белгисини беради. (Рис.1) Артроскопияда медиал менискнинг йиртилган қисмини бўғим тирқишига чиқиб қолганлиги кўрилади. Бу эса тизза бўғимида ёзишнинг чекланишига олиб келган. Парциал менискоэктомиа қилинган (. 2 расм).



1-Расм КТ текширувида медиал менискнинг йиртилганлиги стралка билан кўрсатилган

Бемор- Shonazarova Mavluda 1964




2- Расм. Артроскопик кўриниш-Медиал мениск йиртилган қисмининг марказга силжиганлигини кўриш мумкин. Shonazarova Mavluda 1964 йил.

Синовиал бурманинг патологиялари .

Тиза бўғими медиопателляр бурма патологичлари бўғим диагностик режасидаги энг қийин патологиялардан бири ҳисобланади. Бу беморлар умумий беморларнинг 11.1 % ни, артроскопияда аниқлаган беморларнинг 3 тасини ташкил этади.

Бурма тизза қопқоғи медиал қиррасидан 1 см узоқликдан ўтади. Агар у етарлича кенг бўлса унинг эркин қирраси тизза бўғимини букганимизда бболдир ички кондилуси ва тизза қопқоғи орасига тушиб қолиб, тизза бўғимида импиджмент синдромини чақиради. Касаллик этиологияси ханузгача ноаниқ бўлиб келмоқда. Оғриқ пайдо бўлишининг асосий сабаларидан бири бурма эластиклигининг бузилишидир. Касаллик белгиларини кучайтирувчи сабаблар албатта микротравмалар ҳисобланади.

3- Расм Тизза бўғимининг синовиал бурмалари



Оғриқ синдромининг ривожланиши («plica синдрома») ривожланиши тўғрисида бир қанча қарши фикрлар мавжуд. Бир қанча муаллифлар фикрича бурмалар потологичси тизза бўғимида оғриқ чақириши мумкин лекин уларнинг роли кўп холларда жуда бўрттирилади ва куп холларда зарарланмаган синовиал бурма асосланмаган холда олиб ташланган [Jackson и al. Richmond, J. C, and McGinty J. V.: 1983.]. Бошқа авторлар бу тўғрисида бошқача Яъни бу потология тизза бўғимлар оғриғида асосий сабабчи хисобланади. [Jackson и al. Richmond, J. C, and McGinty J. V.: 1983.].

1989.] Биз синовиал бурманинг потологиялари верификациясида Sherman R.M. и Jackson R.W. [Sherman, R. M. P., and Jackson, R. W]. томонидан келтирилган критериялардан фойдаландик:

1. анамнез ва тизза бўғимининг олдинги – медиал қисмида оғриқ бўлиши ;
- 2) Консерватив давонинг мусбат динамикасининг йўқлиги.;
- 3) Тизза бўғимининг букиб ёзиш давомида сон медиал кондилуси билан контакт қилиб турувчи бурманинг аваскуляр фиброз қирраси билан бирга артроскопик визуализация қилиш. 4) Артроскопияда оғриқ синромини келтириб чиқарувчи бирон бир бошқа потологик ўзгариш аниқланмаса

.Биз қуйидаги фикрни шарҳлаб кўрамиз: адабиётларда тизза бўғимининг олдинги – медиал қисмида оғриқ чакирувчи медиал бурма потологялари тўғрисида малумотлар жуда кам. Шунинг учун артроскопия бу потология диагностикасида олтин стандарт хисобланади. Клиник белгиларнинг яққол ифодаланганлиги ва оғриқ синдромининг давомийлиги хар доим хам синовиал бурманинг кенглиги , ўлчами артроскопик текширувида келтирилган патологик ўзгаришга пропорцианал бўлмайди. Бу маълумотларга асосланиб биз қуйидаги фикрни тасдиқлаймиз: бурманинг болдир кондилуси тоғай қаватининг хондромалаясион зонаси билан кантактда бўлувчи қисми оғриқнинг асосий сабабларидан бири хисобланади.

Sakakibara бўйича энг оддий ва кулай классификация бурмани 4 типга бўлади:

Атип , синовиал қаватда бурма ип кўринишида ;

Втип , болдирнинг медиал кондилусининг олдинги юзасини қопламайди ва полки кўринишида бўлади. ;

С тип , болдирнинг медиал кондилусининг олдинги юзасини қоплайди ва катта кўринишида бўлади.;


Д тип, бурма марказий дефект билан (бурмада йиртилган жой бор). Бу классификация макроскопик малумотларга асосланган. (4 Расм)

Sakakibara бўйича классификация схемаси.

Тип А, Сиовиал қопчада ип кўринишида

Тип В, подобие полки не покрывающей переднюю поверхность медиального мышелка бедра.

Тип С, большая, наподобие полке и покрывающей переднюю поверхность медиального мыщелка бедра.



Type C Type D

4-Расм.Тизза бўғимининг медиал синовиал бурмасы.

Хозирги вақтда кўплаб муаллифлар бу потологияларнинг эффектив даволаш методи бурманинг артроскопик резекция қилиш деб ҳисоблайди. [Jackson и al. Richmond, J. C, and McGinty J. В 1983.-Jackson, R. W.; Marshall, D. J., Fujisawa, V.: 1982.]. Hansen Н., Вое S.нинг малумоти бўйича 83% беморларда бурманинг артроскопик резекцияси яхши натижа беради. [Hansen Н., Вое S.. 2006,.].

Lig cruciatum anterior нинг жароҳати

Хозирги вақтда беморларда ўткир даврда хочсимон боғламни тиклаш кераклилиги тўғрисида ҳеч қандай асосланган фикр йўқ.

Охирги йилларда физиологик ва морфологик текширувлар тизза бўғими мушаклари стабиллигини тامينлашда тизза бўғимининг бўғим ичи структурасининг муҳим ўрни ҳақида малумот беради. [Draper V., Ballard L:].

Шу вақтдан бошлаб беморларда олдинги хочсимон боғламнинг механик бутунлигини тиклаш эмас унинг проприорецептив функциясини сақлашга қаратилган оператив методлар,диагностик технологиялар ва функционал даво услубларини қайта ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Бизнинг

қарашимиз бўйича Lig cruciatum anterior қисман жароҳатларида фақатгина ТБ нинг асосий актив стабилизатори бўлган тўрт бошли мушак эмас орқа гуруҳ мушаклари актив мушаклар кучини ошириш мақсадида интенсив равишда массаж, физиодаво ва спорт билан шуғулланиш орқали тизза бўғими актив стабилизаторини мустаҳкамлашга қаратилган даволашнинг оптимал варианты консерватив даво жуда муҳим ҳисобланади.

Тизза бўғими ёғ танасининг жароҳати

Гофф ёғ танасининг жароҳати гиперплазиялашган, склерозлашган кўриришда ёки кон қуйилиш кўринишида лат ейиш белгилари билан номоён бўлиб, оғриқ асосида жароҳатланган ёғ танасининг тизза бўғими бўшлиғи орасига тушиб қолиши ётади. Тизза бўғими артроскопичсида биз 1 та беморда (1,85%) аниқладик. (5 расмга қаралсин)



5-расм Гиперплазиялашган гофф танаси (стрелка билан кўрсат)



БРасм . КТ тасвир


Бемор: Karimava Shoxsina 1964 -йил

Гофф таначасининг жарохати стрелка билан кўрсатилган.

Lig cruciatum pјsterior ning жарохати-жуда кам учрайдиган патология булиб болалар учун характерли эмас. Бизнинг кузатишларимизда бундай патологияларнинг 7 тасини аниқладик. Бу умумий беморларнинг 16.:% ини ташкил этади..

Бўғим ичи эркин танаси.

Тизза бўғим ичи эркин танаси 5 та(9,24%) беморда аниқланди. Улардан 4 тасида эркин танача хосил бўлишининг асосий сабаби тизза қапқоғининг травматик чиқиши натижасида сон суягининг ташқи кондилусидан суяк тоғай фрагментининг кўчиши хисобланади. Шунингдек кам миқдорда бўғим ичи эркин танасининг пайдо бўлиш сабаби Кенига касаллигида сон суягининг гиалин тоғайи хисобланади.



7- Расм . КТ тасвир

Patient: Egamova Dilorom 1963year.

Эркин хондром тана (стрелка билан кўрсатилган)



8-Расм. Артроскопик тасвир

Бемор: Egamova Dilorom 1963 йил.

Эркин хондром тана.

Тизза бўғимининг гемартрози.

Диагностик методнинг ҳамма бор имкониятларига қарамасдан 14 (25,9%) беморда «тизза бўғимининг гемартрози» симптоматик диагностик диагнози билан операуия қилинган. Бироқ фақат иккита беморда артроскопия диқгностик ва санацион мақсадда ўтказилган, қолган хаолатларда хирургик аралашувни талаб этувчи мениск йиртилиши, Lig cruciatum anterior, бўғим капсуласининг, гиалин тоғайнинг жарохати кўринишидаги жарохатлар аниқланган.

